



journal homepage:

<https://topjournals.uz/index.php/jgnr>

## SOME ASPECTS OF GLACIO TOURISM AND ITS DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN

**Asror Nizomov**

Associate Professor

Tashkent State Pedagogical University named after Nizami  
Tashkent, Uzbekistan**Akmal R. Matnazarov**

Associate Professor, Ph.D

Tashkent State Pedagogical University named after Nizami  
Tashkent, Uzbekistan

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Tourism, ecotourism, agrotourism, speleotourism, agroresources, West-Tianshan, Piskom Valley, Hisar Ridge, Kashkadarya Valley, Surkhandarya Valley, infrastructure

**Abstract:** This article is called "Conditions for the development of glaciotourism in Uzbekistan", and the possibilities of improvement and development of glaciotourism conditions in the territory of Uzbekistan are highlighted.

**Received:** 03.12.22**Accepted:** 05.12.22**Published:** 07.12.22

## ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛЯЦИОТУРИЗМ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

**Асрор Низомов**

Доцент

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети  
Тошкент, Ўзбекистон**Ақмал Р. Матназаров**

Доцент, PhD

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети  
Тошкент, Ўзбекистон

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Туризм, экотуризм, агротуризм, спелеотуризм, агроресурс, Фарбий-Тяншан, Писком водийси, Ҳисор тизмаси, Қашқадарё водийси, Сурхондарё водийси, инфраструктура.

**Аннотация:** Мазкур мақола Ўзбекистонда-гляциотуризм ривожлантириш шарт-шароитлари деб номланиб, Ўзбекистон ҳудудида гляциотуристик шарт-шароитни яхшилаш

## НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ГЛЯЦИО ТУРИЗМА И ЕГО РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Асрор Низомов**

Доцент

Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами  
Ташкент, Узбекистан

**Акмаль Р. Матназаров**

доцент, PhD

Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами  
Ташкент, Узбекистан

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Туризм, экотуризм, агротуризм, спелеотуризм, агроресурсы, Западный Тянь-Шань, Пискомская долина, Хисарский хребет, Кашкадарьинская долина, Сурхандарьинская долина, инфраструктура.

**Аннотация:** Данная статья называется «Условия развития гляциотуризма в Узбекистане», и освещаются возможности улучшения и развития условий гляциотуризма на территории Узбекистана.

### КИРИШ

Ҳар бир фан ривожлана борар экан, унинг парчаланиши, яъни янги тармоқларга ажралиш эҳтимоли ҳам оша боради. Шу тариқа география фани таркибидан туризм янги йўналиш сифатида ажралиб чиқди. Туризм ҳам ўз навбатида яна бир қанча тармоқларга бўлинib ривожланишда давом этмоқда. Энди эса туризм фани таркибида экотуризм энг ёш ва истиқболли фан дея эътироф этила бошлаган бир пайтда, унинг ўзи ҳам “агротуризм”, “спелеотуризм”, каби йўналишнинг таркиб топишига асос бўлди. Ушбу жараённинг бирқадар шиддат билан ривожланиши табиий ҳол эди. Чунки ватанимиз бўйлаб экотуризм тармоқларининг барада қулоч отиши учун барча табиий географик омиллар, шартшароитлар мавжуддир. Шу боисдан гарчанд “спелеотуризм” йўналиши бўйича энди дастлабки тадқиқотлар йўлга кўйилаётган (А.Низамов, Н.Султонова 2021 й) бўлсада, “агротуризм” борасида талай ютуқларга ҳам эришилди. Жумладан Ш.С.Якубжанова (2019) томонидан “Агротуризмнинг табиий географик жиҳатлари” номли тадқиқоти амалга оширилди.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Ушбу ишнинг муваффақият қозониши ҳудуднинг турфа табиий географик шароит асосида шаклланган қайтарилмас агроресурслари билан чамбарчас боғлиқдир. Худди шунингдек республикамизнинг тоғли ҳудудлари Ғарбий-Тяншан (Писком водийси), Ҳисор тизмаси (Кашқадарё ва Сурхондарё водийси) баландликларида 345 та тоғ музликлари

аниқланиб ўрганилган. Улар хусусан Ўзбекистон каби қурғоқчил ўлка мисолида ўта ғаройиб табиат ёдгорликлари сифатида ички ва ташқи туризм учун катта қизиқиши уйғотади ва ушбу илмий ғоя Ўзбекистонда экотуризмнинг фанда ҳали маълум бўлмаган ва натижада ўрганилмаган янги истиқболли тури “гляциотурзм” йўналишига асос солишга бошлади. Шу боисдан унинг ilk назарий асослари 2019 йил, 11-12 октябрь кунлари Чирчик шахрида Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти “География” кафедраси ташаббуси билан “Ўзбекистонда туризм ва рекреацияни ривожлантиришнинг географик муаммолари ва имкониятлари” мавзусида бўлиб ўтган ҳалқаро илмий-амалий конференция жараёнида “Гляциотуризм – экотуризмнинг муҳим ва янги тармоғи” сарлавҳаси остида маъруза қилиниб, оммога эълон қилинган ва тингловчилар томонидан зўр қизиқиши билан кутиб олинган эди. Кейинчалик ушбу мавзу тадқиқотчи А.Р.Матназаров томонидан амалга оширилган “Ўзбекистонда тоғ музликларининг табиий географик тарқалиш қонуниятлари ва экотуристик роли” деб аталувчи диссертациясида асос бўлди. Шу тариқа фанда “гляциотуризм” деб аталувчи яна бир янги йўналишга асос солинди ва у жадаллик билан ривожланишда давом этмоқда. Ушбу йўналиш туғилган юрт Ўзбекистон бўлсада, унинг кўлами энди унга ёндош худудларни ҳам қамраб олмоқда. Бу борада Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон республикаларининг баланд тоғли минтақалари ғоятда истиқболлидир.

Шундайин ҳам қатор ривожланган мамлакатларнинг иктисадий қўрсатгичларида туризм – маъмурчилик, фаровонлик, даромад келтирувчи манбаълардан бирига айланиб бўлган соҳадир. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) туризмнинг бешта турини энг келажаги порлоқ дея эътироф этади. Булар: саргузашт туризм, денгиз ва сув туризм, маданиятни ўрганиш, мавзули туризм ҳамда экотуризмдир. Бу бешта туризм тури ичida энг ёш ва истиқболли йўналишлардан бири экотуризм бўлиб, у энди ривожланиб келаётганлиги, кам ўрганилганлиги ҳамда сердаромадлиги билан ажralиб туради. Бизнинг республикамиизда ҳам экотуризмни ривожлантириш учун катта аҳамият берилмоқда. Бу борада қатор давлат қарорлари, қонунлари кучга кириб, туризм давлат аҳамиятига эга бўлган масалалар қаторига олиб чиқилди. Жумладан, (БТТ) эксперtlар гуруҳи ва “Ўзбекистон миллий компанияси” билан ҳамкорликдаги “Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш режаси” ишлаб чиқилди. 2011 йил 20 октябрда туризм инфраструктурасини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан “Туризм қамровини янада ошириш бўйича манзилли тадбирлар дастури ва 2011-2012 йиллар мабойнида туризм экспортининг потенциалини ошириш тўғрисида” ги хужжат тасдиқланган.

Республика фуқороларининг турмуш даражаси ва сифатини янада оширишни таъминлаш мақсади учун мамлакатимиз ҳукумати Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва сенати билан биргаликда, жамоат ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар иштирокида 2017 – 2021 йиллари Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Унинг бешта устувор йўналиши мавжуд бўлиб, учинчи “Иктисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш” йўналишининг иккинчи бандида “туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иктиносидиётга унинг роли ва улишини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш” таъкидланган.

Республикамизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби йирик маданият марказлари атрофидаги мавжуд сўлим табиат гўшаларида экотуризмни ривожлантириш ўта истиқболли йўналишлардан биридир. Чунки ушбу шаҳарларга ташриф буюрган туристлар ва маҳаллий аҳоли сайр истироҳати учун нодир ландшафтлар зарурияти туризм нуқтаиназардан ҳам ўта юқоридир. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 декабрдаги ПФ-5273-сон “Чимён-Чорвоқ курорт рекреация зonasи чегараси доирасида “Чорвоқ” эркин туристик зonasини ташкил этиш тўғрисида” ги фармонида Чимён-Чорвоқ курорт рекреация зонасида туризмни ривожлантириш юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада туризм учун шу кунга қадар жалб этилмаган географик омиллар ва обьектлар қаторида тоғ музликларини қамраб оловчи экотуристик йўналишларни ўрганувчи илмий тадқиқотлар ўта долзарб вазифалар қаторидан ўрин олади.

Республикамиз президенти Ш.М.Мирзиёев, 2017 йил, 22 декабрь куни Олий Мажлис депутатлари ва сенаторларига қилган мурожаатида экотуризмнинг истиқболи хусусида “мамлакатимизнинг бетакрор табиати, гўзал дам олиш зоналари имкониятларидан фойдаланиб, янги туристик йўналишлар очиш мумкин”, - дея таъкидлади. Ушбу кўрсатмалар натижасида туризмни жадал ривожлантириш, туристларга муносиб инфратузилма яратиш, хизматлар сифатини янада ошириш, худудларнинг туристик салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва янги иш ўринлари ташкил этиш, миллий туризм маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун аниқ мақсаддага йўналтирилган ишлар давом эттирилмоқда. Шу тариқа туризм нафақат аҳолининг соғлиқ-саломатлигини тиклаш, балки қўшимча иш ўринлари яратиш йўлида ҳам катта потенциалга эга тармоқ сифатида ривожлана бошлади. Уни янада равнақ топтириш мақсадида 2019 йил, 5 январь санаси билан, Ўзбекистон республикаси Президентининг “Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” қарори эълон қилинди. Республикамизда туризмни янада ривожлантириш ва туризм соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш учун, 2019 йил, 16 апрелда Қонунчилик палатаси томонидан, “Туризм тўғриси” да янги

қонун қабул қилиниб, у Сенат томонидан 2019 йил, 21 июнда маъқулланди. Ушбу қонунда, Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, туризм соҳасидаги илмий тадқиқотлар ўтказилишига кўмаклашади; - дея алоҳида таъкидланди. Ушбу қонун ижроси тадқиқотчилардан, туризм соҳасида олиб борилаётган илмий ишларни янада ривожлантириш, пировардида, туризмнинг халқ хўжалигидаги махсулдорлигини оширишни талаб этади. Республикамизда шу тариқа туризмга қаратилган жиддий эътибори туфайли қатор нуфузли хорижий-оммовий ахборот воситалари 2020 йилда Ўзбекистонни саёҳатга албатта бориш тавсия этилган мамлакатлар қаторига киритди. Биз бундай имкониятдан унумли фойдаланишимиз керак.

Давлатимиз раҳбари кўрсатмасига биноан республикамиз ҳудудида мавжуд бўлган барча экотуристик ресурслардан оқилона фойдаланиш чора – тадбирларини ишлаб чиқиши, янги экотуристик маршрутлар учун асос бўла оладиган табиий имкониятларни илмий жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада тоғ музликларининг ўрни каттадир.

## ХУЛОСА

Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган тоғ музликлари ўлкашунослик, палеогеографик, гляциологик, геологик, гидрологик, геоморфологик, табиий географик, иқлимишшунослик, Ботаник, альпинистик, экологик нуқтаи назардан ўрганилган (И.В.Мушкетов (1886)., Г.Б.Леонов (1898)., Б.А.Федченко (1898)., Н.А.Корженевский (1930)., Л.А.Молчанов (1937)., С.В.Когай (1962)., В.Л.Щулыц (1965)., Г.Е.Глазырин (1969)., В.И.Рацев (1972)., К.Г.Садыков (1973)., И.С.Щукин (1974)., Ю.Н.Лесник (1975)., М.А.Носыров (1978)., А.А.Ни (1979)., Л.Д.Долгушин (1982)., А.А.Крейтер (1985)., И.Г.Томашевская (1999)., Х.А.Тойчиев (2008)., А.Низомов ва б. 2014.) бўлсада, экотуристик жиҳатлари тадқиқ этилмаган. Шу боисдан тоғ музликлари фанда илк бора экотуристик обьектлар сифатида эътироф этилмоқда, унинг илмий назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилиб, туристик йўналишлар учун асос килиб кўрсатилмоқда.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. //http://www.lex.uz/pages/getpege
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сонли “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. http://www.lex.uz/pages/getpege

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли “Ўзбекистон республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Қарори. // <http://lex.uz/pages/getpege>.
4. Глазырин Г.Е. Метод расчёта плотности снега в горах Западного Тянь-Шаня. Автореферат диссертации. Тошкент. Изд. УГМС. Уз сср, 1969, 19с.
5. Долгушин Л.Д, Осипова Г.Б. Пульсирующие ледники. Л.:Гидрометиздат, 1982-192 с.
6. Крейтер А.А и др. Геологический фактор в режиме ледников Западного Тянь-Шаня и Памира. Т.: “Фан”-1985. 107 с.
7. Корженевский Н.Л. Каталог ледников Средней Азии. Тошкент, 1930. 200с.
8. Лесник Ю.Н. Процессы абляции и жидкий сток ледников Средней Азии. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата географических наук. М. 1975 й.
9. Молчанов Л.А. Распределение атмосферных осадков в бассейне р. Чирчик.-“Труды Узбекистанского географического общества”. 1937. Вып 1. с 86-93.
10. Насыров М.А. Физико-географические условия размещения и развития ледников бассейна р.Зарафшан. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата географических наук. Т. ТашГУ. 1978 й.
11. Ни А.А. Ледниковый ветер в горах Средней Азии. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата географических наук-Одесса-1979 й.
12. Низомов А, Нутманова А, Матназаров А. Ўзбекистон тоғ музликлари. Т. “Фан ва технологиялар”, 2016. 98 б.